

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Ўзбекистон Республикаси Президенти
ҳузуридаги Пахтачилик кенгаши раиси,
Инновацион ривожланиш вазири

И.Абдурахмонов
И.Абдурахмонов



Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Пахтачилик кенгашининг Жиззах вилояти Шароф Рашидов туманида ўтказилган сайёр йиғилишининг 20-сон БАЁНИ

2022 йил 9 сентябрь

Жиззах вилояти, Ш.Рашидов тумани

Раислик қилди: Ш.И. Отажонов – Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Пахтачилик кенгаши котиби, Инновацион ривожланиш вазирлиги бошқарма бошлиғи

Қатнашдилар: Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Пахтачилик кенгаши ва унинг бошқарув гуруҳи аъзолари, Пахтачилик кенгаши фаолияти йўлга қўйиладиган Жиззах вилояти Ш.Рашидов туманига бириктирилган ишчи гуруҳи аъзолари, “Jizzax Industrial To'qima” МЧЖ пахта тўқимачилик кластери мутасаддилари, фермер хўжаликлари раҳбарлари, вазирлик ва идораларнинг масъул ходимлари, илмий ташкилотлар раҳбарлари ва илмий ходимлари (*рўйхат бўйича*)

КУН ТАРТИБИ:

Жиззах вилояти Шароф Рашидов туманида пахта хомашёсини қабул қилиш ва қайта ишлашга тайёргарлик ишларининг ҳолати тўғрисида

(Ш.Отажонов, М.Холбўтаев, И.Кулматов, Б.Қодиров, Ж.Зухуров, Қ.Жуманиёзов, Ш.Мансуров, Б.Мамарахимов, Ф.Хасанова, Ш.Отажонов)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Пахта ҳосилдорлигини ошириш, пахта етиштиришда илм ва инновацияларни жорий қилишнинг қўшимча ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 7 июлдаги ПҚ-308-сон қарорида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Пахтачилик кенгашининг “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Пахтачилик кенгаши фаолиятини

Йўлга қўйишнинг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида”ги йиғилишининг 2022 йил 5 июлдаги 1-сонли ҳамда 2022 йил 12 июлдаги 3-сонли баёнларида белгиланган топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида **2022 йил 9 сентябрь** куни Жиззах вилояти **Ш.Рашидов туманида** – “Jizzax Industrial To'qima” МЧЖ ҳудудида пахта экилган майдонларда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Пахтачилик кенгаши котиби, Инновацион ривожланиш вазирлиги бошқарма бошлиғи Ш.Отажонов раҳбарлигидаги Пахтачилик кенгаши аъзолари, унинг бошқарув гуруҳи аъзолари ҳамда туманлар ишчи гуруҳлари аъзолари иштирокида бевосита пахта экилган майдонлардаги ҳосилнинг бугунги ҳолати ва пахта қабул қилиш пунктларидаги тайёргарликлар ҳолатини ўрганиш ташкил этилди.

Президент ҳузуридаги Пахтачилик кенгаши аъзолари Ш. Рашидов туманидаги пахта тозалаш заводи фаолияти билан танишди.

Унда, Пахтачилик кенгаши ва унинг бошқарув гуруҳи аъзолари Жиззах вилоятининг Шароф Рашидов туманидаги “Jizzax Industrial To'qima” МЧЖга қарашли пахта заводига ташриф буюрилиб, заводнинг бугунги кун пахта мавсумига тайёрлиги, жумладан, пахта пунктидаги назорат хонаси, электрон тарози ва уруғлик чигит омбори, заводда ташкил этилган чигитдан ёғ маҳсулотлари олиш цехи билан танишдилар.

Танишув жараёнида, завод ҳудуди бу йилги пахта қабулига деярли шай ҳолатда эканлиги, бироқ электрон тарози ҳозирда ягона маълумотлар базасига уланмаганлиги, пахта ғарам майдончалари категориялар кесимида пахтани қабул қилишга йўналтирилмаганлиги аниқланди.

Шунингдек, Пахтачилик кенгаши аъзолари томонидан фермер хўжаликлари аъзоларининг мурожаатлари тингланиб, тегишли ечим ва кўрсатмалар берилди. Шу билан бирга, кенгаш аъзолари пахта терув машиналари орқали йиғиштириб олинаётган пахта далаларини ўргандилар.

Йиғилиш давомида, Пахтачилик кенгаши котиби, Инновацион ривожланиш вазирлиги бошқарма бошлиғи Ш.Отажонов томонидан бугунги кунда Пахтачилик кенгашининг Ш.Рашидов туманига бириктирилган ишчи гуруҳ томонидан жами 9 300 гектар ёки 100 фоиз пахта майдонлари ўрганиб чиқилганлиги, натижада ҳудуднинг тупроқ-иқлим шароитлари инобатга олинмасдан парваришлаб келинаётган навларнинг мавжуд эмаслиги, 2 641 га пахта майдонлари турли зараркунандалар билан зарарланганлиги, шундан 1 316 га майдонда кўсак қурти, 458 га майдонда бедақандаласи, 486 га майдонда

Ўргимчаккана мавжуд эканлиги таъкидлаб ўтилди. Шунингдек, жами пахта майдонларининг 22 фоизи ёки 2 014 га майдонда суғориш режими бузилганлиги ва 240 га майдонда уруғчилик тизими бузилганлиги ва ишчи гуруҳ тавсиясига кўра ушбу майдонларда экилган пахта ҳосилидан уруғликка олинмаслик чоралари кўрилаётганлиги қайд этилди.

Шу билан бирга, Ишчи гуруҳ кўрсатмасига асосан тумандаги 325 га уруғчилик пахта майдонларида тозалаш (бегона навларни чиқариб ташлаш) ишлари амалга оширилган, узоқ йиллар (8-10 йил) давомида экилган навлар ўрнига 3500 га “С-8290”, 4500 га “Бухоро-102”, 1000 га “Ан боёвут-2”, бошқа навлар - 1000 га (“Генофонд” 50 га, “Шеробод” 100 га, “Пахтакор-3” 200 га, “Бешқахрамон” 650 га) тавсия этилди ҳамда 2 та навлардан 1 та фермер хўжалигида “Султон” навидан наводорлигини тиклаш мақсадида 3000 туп танлаб олинганлиги (Тилов бобо” ф/х да) 4 та фермер хўжалигида “Беш қахрамон” навидан бегона навлар тозаланганлиги (“Висола-Шахзода”, “Фирдавсий”, “Азим С”, “Жиззах Азимов Шухрат” ф/х ларда) таъкидлаб ўтилди.

Пахта экилган 9300 га майдондан 4914 га майдон томчилатиб суғориш тизими ўрнатилган. Шундан 3636 га майдондан сув таъминоти етарли эмаслиги томчилатиб суғориш тизимида ўзилашлар бўлиб, вегетация даврида бу майдонларда ўзалар чанқатиб қўйилган. Айниқса, туманнинг “Қулписар”, “Ҳ.Носиров”, “А.Навоий” ва “Зарафшон” ФХХУ ларда сув таъминоти жуда оғирлиги туфайли ўзалар қондириб суғорилмай қолган, баъзи майдонларга умуман сув суви етиб бормаган. Ушбу майдонларда ўза қондириб суғорилмагани учун пахта ҳосилдорлиги 17-18 ц\га дан ошмаслиги кутилмоқда. Вилоят “Сирдарё-Зарафшон” ирригация тизимлари хавза бошқармаси ва Ш.Рашидов тумани ирригация бўлими ҳамда ишчи гуруҳ аъзолари билан биргаликда сув таъминоти ўта оғир бўлган “Қулписар” ФХХУ ҳудудидаги 1000 гектар майдонни сув билан таъминлаш учун ДГК коллекторидан ДМ-1 каналига 4.1 км масофага 4100 м босимли кувур ва 1.3 км масофага канал қуриш бўйича лойиҳа ишлаб чиқилган. Ушбу лойиҳа амалга оширилса ҳудудда пахта ҳосилдорлиги дастлабки йилларда 30 центнерга етказиш ва қўшимча 200-300 га майдонга чигит экиш имкони яратилади. Бундан ташқари, қолган 2636 га майдоннинг сув таъминотини яхшилаш учун сув тармоқлар (латок ва каналлар)ни янгилаш ва керакли жойларга қўшимча сув таъминотини яхшилаш учун, электр тармоқларини тортиш, трансформатор ва насослар ўрнатиш бўйича талаб этиладиган маъсул ташкилотлар билан туман пахтачилик кенгаши аъзолари биргаликда чора-тадбирлар лойиҳасини ишлаб чиқиш зарур.

Юқоридаги кўрсатиб ўтилган ҳудудлардаги ирригация ва мелиорация объектларини яқин 3-4 ойда таъмирланиб ёки янгиланмаса, келаси йилда пахта майдонлари белгиланган агротехник муддатлар ва меъёрларда суғорилмайди ва яна туманда пахтадан гектаридан 20-25 центнердан ортиқ ҳосил олиш имконияти бўлмаслиги, бу муаммо пахтачиликда энг асосийларидан эканлиги ва бунинг ечимини топмасдан туриб туманда пахтадан юқори ҳосил олиб бўлмаслиги ҳамда ушбу чора тадбирлар ижросини жорий йил охиригача тугатиб, 2023 йил январь-феврал ойларида чигит экиладиган майдонларда тўлиқ шўр ювиш ва яхоб бериш тадбирлари ўтказилиши келаси йил юқори ҳосил гарови эканлигини қайд этиш лозим.

Тумандаги пахта майдонларида минерал ўғитларни илмий асосланган ҳолда агрокимёвий харита асосида қўллаш мақсадида, тупроқларнинг агрокимёвий картограммасини тузиш учун 2021 йилда Тупроқшунослик ва агрокимё ИТИ томонидан тупроқ таҳлили ўтказилиб, унинг агрокимёвий харитаси (картограмма) тузилган ҳамда ҳозирги вақтда вилоят “Агрокимё таҳлил маркази” ҳам тупроқни агрокимёвий таҳлилини амалга ошириб, туманнинг барча пахта экиладиган майдонлари тупроқнинг агрокимёвий харитасини тузиб бериш бўйича ишлар олиб борилётгани бўйича маълумот берилди. Шу тупроқ таҳлили натижалари асосида 2023 йил пахта ҳосили учун минерал ўғитларга бўлган талабни ва уларни белгиланган агротехник муддат – меъёрларда ишлатишга тавсияларни контурлар ва фермерлар кесимида жорий йил ноябр ойигача ишлаб чиқиш, шунингдек, келаси йил чигит экиладиган далаларнинг шу ҳудуд тупроғига мос бўлган ерлар танлаб олиниб тупроқ микрофлорасини ва тупроқнинг юқори бир метр қатламидаги ўсимлик ўзлаштириши қийин бўлган, ялпи азот, фосфор ва калий ҳамда микроэлементлар миқдорини аниқлаш, чунки бу моддалар тупроқда бир неча йиллардан бери фойдаланилмай келинаётгани, эндилик булардан самарали фойдаланиш бўйича олимлар томонидан илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқиш зарур.

Шундан сўнг, Пахтачилик кенгаши аъзолари ва унинг бошқарув гуруҳи вакиллари Шароф Рашидов туманидаги **“Jizzax Industrial to'qima” МЧЖ** пахта-тўқимачилик кластерига қарашли пахта қабул қилиш пунктида бўлиб, пунктнинг бу йилги пахта ҳосилини қабул қилишдаги жорий ҳолати, пахта оғирлигини ўлчовчи электрон тарозиларнинг ягона маълумотлар базасига уланганлиги, пахтани ташқи кўриниши орқали сифатини аниқлаш учун эталонларнинг мавжудлиги, давлат стандартлари ва мувофиқлик сертификатларининг олинганлиги каби

жараёнларни таҳлил қилдилар. Унга кўра пахта қабул қилиш маскани лабораториясида 3 дона пахтадаги намликнинг массавий нисбатини аниқлайдиган “Сифат”, 2 дона пахтадаги ифлосликни массавий улушини аниқлайдиган “ЛКМ”, 2 дона нав аниқлайдиган “ЛПС-4” ва 4 дона электрон тарози ва 1 дона “ППВ”, 4 дона ғарамларни хароратини аниқлайдиган термашуп ускуналарининг шайлиги кўздан кечирилди. Пахта навини аниқлайдиган “ЛПС-4”, намлиги юқори бўлган пахталарни қуритиш учун мўлжалланган “СХЛ” лаборатория қуритгичлари таъмирталаб эканлиги, пахта тушириш узатиш қурилмаси “ПЛ” транспортёрдан 2 комплект етишмаслиги ва пахта оғирлигини ўлчовчи электрон тарозиларнинг ягона маълумотлар базасига уланмаганлиги қайд этилди ва кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш юзасидан кўрсатмалар берилди.

Ўрганишлар давомида Пахтачилик кенгаши аъзолари Меҳнатобод ФҲХУ ҳудудидаги “Бешқаҳрамон” нави экилган “Ниятжон-Сувонов” ф/х пахтамайдони ўрганилганида ғўза майдони дефоляция қилинганлигига қарамай 20 кундан бери дефоляция таъсир қилмаганлиги аниқланди. Бунинг сабаби – тупроқда етарли нам бўлмаган, дефоляция қилишдан олдин далани енгил суғориш, кейин дефоляция қилиниши лозим эди. Бу ҳолат юзасидан кечиктирмай гектарига 8-10 кг.дан хлорат-магний дефолянти билан қайта дефоляция қилиниши ва 8-10 кундан сўнг пахта терими амалга ошириш лозимлиги бўйича мутахассислар томонидан тавсия берилди.

Жиззах вилояти Шароф Рашидов туманида пахта хомашёсини қабул қилиш ва қайта ишлашга тайёргарлик ишларининг натижадорлигини ошириш мақсадида Пахтачилик кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Пахтачилик кенгашининг Шароф Рашидов тумани ишчи гуруҳининг қуйидаги ахбороти маълумот учун қабул қилинсин:

ҳудуднинг тупроқ-иқлим шароитлари инobatга олинмасдан нотўғри танланган нав аниқланмаганлиги, жами экилган ғўза майдонларининг 2177,5 га майдонига ўргимчакканага қарши “пропагарит”, “гексатиозокс”, “пребдабен” препаратлари билан, 3200 га майдонга беда қандаласига қарши “Лиамбадацегалатрон”, “Тиаметоксам” препарати, 4486,7 га майдонга кўсак қуртига қарши “Эмамектин бензоат 10%” таркибли кимёвий препаратлар билан ишлов берилиб, кимёвий препаратлар қўлланилган майдонларга 4-5 кундан ўтказиб, тумандаги 6

та биологаториялар томонидан 1 гектар ғўза майдонига 2000 донадан олтинкўз, 1 граммдан трихограмма, 1000 донадан бракон энтомафаглари тарқатилганлиги, натижада қўшимча 25-30 % пахта ҳосил элементлари сақлаб қолинганлиги;

“Jizzax Industrial to’qima” МЧЖ пахта кластери томонидан Фанлар академиясининг Микробиология институти билан 2022 йил 5 сентябрда 27/2022-сонли шартнома имзоланганлиги ва 2 хил турдаги замонавий биостимуляторлар келтирилиб, қўлланилганлиги;

2022 йилда пахта майдонларида фақат биорганик ўғитлар “Гумат калий”, “Рокогуми”н ва ҳар хил турдаги “NPK” комплекс минерал ўғитлар билан вегетация даврида 2-3 марта барг орқали озиклантириш амалга оширилганлиги;

туманда етиштирилаётган 36 та фермер хўжаликлари томонидан экилган уруғлик пахта майдонлари ўрганиб чиқилганда 8 та фермер хўжаликлари, жами 240 га майдонларида экилган уруғлик пахта етиштириш талабларига тўғри келмаганлиги (пахта ривожига орқада, зараркунандалар билан кучли зарарланганлиги) сабабли уруғлик етиштириш режасидан чиқариб ташланганлиги, қолган уруғлик майдонларида нав муаллифларини жалб қилган ҳолда бегона навлардан тозалаш ишлари олиб борилганлиги, хусусан, кейинги йил учун уруғлик кўпайтириш мақсадида “Тилов бобо” ф/х дан “Султон”, “Ширин” ф/х дан “Бешқоҳрамон” экилган уруғлик майдонлардан нав муаллифлари томонидан навга хос бўлган ғўза ўсимликларидан 3000 тупдан танлаб олиниб, алоҳида териш мақсадида ҳар бир танланган туп рангли боғичлар билан ажратиб чиқилганлиги;

тумандаги 6 та биологаториялар жиҳозлари замонавий талабларга жавоб бермаслиги аниқланганлиги ва "Jizzax Industrial to’qima" МЧЖ раҳбарияти билан йил якунига қадар биологаторияни замонавий асбобукуналар билан қайта жиҳозлашга, шунингдек, "Jizzax Industrial to’qima" МЧЖ қошида янги, замон талабларига жавоб берадиган биологатория ташкил этиш ва ишчи ходимларига тўланадиган иш ҳақларини белгилаб олинганлиги;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 7 июлдаги ПҚ-308-сон қарор ижросини таъминлаш мақсадида 2023 йил ҳосили учун пахта экинлари уруғчилигини етиштириш истагини билдирган “Barkamol Avlod Gold" МЧЖ томонидан таклиф этилган лойиҳа ўрганиб чиқилиб, уруғчилик кластери ташкил этиш бўйича Пахтачилик кенгашига таклиф киритилганлиги;

Жиззах вилояти иқлим шароитига мос келадиган, олдинги йилларда экилган, “АН-Боёвут” навини Ш.Рашидов туманида тиклаш

учун олимлар томонидан Сирдарё ва Навоий вилоятларидан юқори авлодли уруғларини олиб келиш ва 2023 йил пахта ҳосили учун 1000 га майдонга экиш чоралари кўрилётганлиги;

туманда етиштириладиган пахта хосилини сифатли агротехника ишларини амалга ошириш учун қўшимча равишда "Jizzax Industrial to'qima" МЧЖ томонидан 2 та хайдов, 6 та ишлов трактори, 2 та лазерли дилнобаза, 2 та пневматик сеялка ва 2 та НРУ техникалари сотиб олинганлиги;

минерал ўғитлар билан озиқлантиришда тупроқ мелиоратив ҳолати, озиқ моддалар билан таъминганлик даражаси ва олинадиган ҳосил миқдори эътиборга олинмай кластер томонидан физик ҳолда 400-500 кг азотли, 100-200 кг фосфорли ва 100 кг дан калийли ўғитлар бериш режалаштирилганлиги, амалда эса, азотли ўғитлар билан озиқлантириш ўртача 300-400 кг, фосфорли 100 кг ва калий ўғит берилмаганлиги, бунда минерал ўғитлар билан озиқлантириш илмий асосланган талабга нисбатан азот 25-30, фосфор 50-60 фоизга кам берилганлиги, озиқлантиришда азот-фосфор-калий нисбати қўпол равишда бузилганлиги, яъни 0.8:0.4:0.0 ни ташкил этганлиги, шунинг учун келгуси йилда бу хатолар такрорланмаслиги учун албатта минерал ўғитларни талаби ва ишлатилиши агрокимёвий картограмма асосида пахтачилик кенгаши мутахасислари иштирокида амалга оширилиши ҳамда тупроқ унумдорлиги паст, гумус миқдори камайиб кетган майдонларда ғўза экиладиган майдонларга таъсир этмайдиган “буғдой+беда” ёки сидерат (кўк масса) алмашлаб экиш тизимини жорий этиш бўйича таклиф ишлаб чиқилганлиги.

2. “Jizzax Industrial to'qima” МЧЖ (Ж.Зухуров), Шароф Рашидов тумани ишчи гуруҳи (Б.Қодиров) бир ҳафта муддатда Пахтачилик кенгаши томонидан билдирилган Шароф Рашидов туманида пахта хомашёсини қабул қилиш ва қайта ишлашга тайёргарлик ишларининг ҳолатига оид аниқланган камчиликларни бартараф этиш мақсадида қуйидагиларни амалга оширсин ва Пахтачилик кенгашига амалга оширилган ишлар натижалари тўғрисида ҳисобот киритсин:

- таъмирталаб пахта навини аниқлайдиган “ЛПС-4”, намлиги юқори бўлган пахталарни қуритиш учун мўлжалланган “СХЛ” лаборатория қуритгичларини соз ҳолатга келтириш;

- пахта қабул қилиш масканини 2 комплект пахта тушириш узатиш қурилмаси “ПЛ” транспортёр билан таъминлаш;

- пахта оғирлигини ўлчовчи электрон тарозиларнинг ягона маълумотлар базасига улаш чораларини кўршиш.

3. Шароф Рашидов тумани ишчи гуруҳи (Б.Қодиров) Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан Пахтачилик кенгашига пахтачиликка оид таклиф, ташаббус ва мавжуд муаммолар ечимига оид тавсияларни тўғридан-тўғри юбориш бўйича www.paxta.mininnovation.uz – интерактив порталини Шароф Рашидов туманида тарғиб қилиш ишларини амалга оширсин.

4. Шароф Рашидов туман ҳокимлиги (М.Холбўтаев), **“Сирдарё-Зарафшон”** ирригация тизимлар бошқармаси (М.Турдибоев), **“Jizzax Industrial to'qima”** МЧЖ (Ж.Зухуров), Пахтачилик кенгаши қошидаги **Жиззах вилояти Шароф Рашидов туманига бириктирилган ишчи гуруҳ** (Б.Қодиров) **1 октябрга қадар “Қулписар”** ФХХУ худудидаги бир минг гектар сув таъминоти оғир бўлган майдонга “ДГК” коллекторидан “ДМ-1” каналига 4.1 км масофага 4100 м босимли қувур ва 1.3 км масофага канал қуриш бўйича лойиҳа таклифи ҳужжатларини ишлаб чиқсин ва Пахтачилик кенгашига тақдим этсин.

5. Тупроқшунослик ва агрокимё илмий тадқиқот институти (Ш.Бобомуродов) **1 ноябрга қадар** ўтказилган тупроқ таҳлили натижалари асосида контурлар кесимида тупроқнинг агрокимёвий харитасини ишлаб чиқиш, ушбу харитага асосан 2023 йил пахта ҳосили учун минерал ўғитлар талабини ишлаб чиқиш, тупроқнинг юқори қатламидаги умумий азот, фосфор, калий, микроэлемент ва РН миқдорини аниқлаб, уларни ўсимлик тез ўзлаштирадиган ҳолатга айлантириш мақсадида микробиологик ўғитларни қўллаш, шунингдек, тупроқ микрофлорасини ўрганишни тизимли ташкил этиш юзасидан Пахтачилик кенгашига асосланган таклиф киритсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Пахтачилик кенгаши бошқарув гуруҳи (Ф.Мўминов) **бир ҳафта муддатда** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 7 июлдаги ПҚ-308-сонли қарор ижросини таъминлаш мақсадида 2023 йил ҳосили учун пахта экинлари уруғчилигини етиштириш истагини билдирган “Barkamol Avlod Gold” МЧЖ томонидан таклиф этилган лойиҳани ўрганиб чиқсин ва уруғчилик кластери ташкил этиш бўйича Пахтачилик кенгашига таклиф киритсин.

7. Шароф Рашидов туманида аниқланган камчиликлар мисолида барча туманларда тегишли чораларни кўриш Жиззах вилояти қишлоқ хўжалиги бошқармасига юклатилсин.

8. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, вилоятлар қишлоқ хўжалик бошқармалари, туман ҳокимлари Пахтачилик кенгаши томонидан пахта хомашёсини қабул

қилиш объектларида ўрганишлар натижалари бўйича аниқланган камчиликлар ва уларни бартараф қилиш бўйича ишлаб чиқилган тавсиялар асосида ўзлари масъул бўлган ҳудудларда тегишли чоратадбирларни амалга оширсин.

9. Мазкур баён топшириқларининг ўз муддатида ва сифатли бажарилишини назорат қилиш Пахтачилик кенгаши бошқарув гуруҳига юклатилсин.

Пахтачилик кенгаши
котиби



Ш.Отажонов